



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 28 сентябрь, № 201 (7159)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 27 сентябрь куни ушбу мамлакатга ташриф буюрди.



Душанбе, 27 сентябрь.
ЎЗА махсус мухбири Алоуддин ҒАФФОРОВ хабар қилади.

Душанбе халқаро аэро-
портида Президентимизни
Тожикистон Республикаси
Президенти кутиб олди.

Президентлар Душанбе
шаҳрида икки томонлама
учрашув ўтказди. Эмомали
Раҳмон Шавкат Мирзиёевни
ташриф билан самимий қут-
лаб, ушбу учрашув олий да-
ражадаги домий мулоқот-
ларнинг изчил давоми экан-
лини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатлари-
миз ўртасидаги савдо-иқтисо-
дий, маданий-гуманитар ҳам-
корлиқни янада ривожлантириш
масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Тожикистон
Президентларининг сиёсий
иродаси туфайли кейинги
йилларда мамлакатларимиз
ўртасидаги ҳамкорлик,
дўстлик ва яхши қўшничилик
муносабатлари янги босқич-

га кўтарилди, халқларимиз
дўстлиги мустаҳкамланди.

Айниқса, Президентимиз
Шавкат Мирзиёевнинг жорий
йил март ойда Тожикистон-
га, Тожикистон Республикаси
Президенти Эмомали Раҳмон-
нинг август ойда Ўзбеки-
стонга давлат ташрифлари та-
рихий воқеа бўлди.

Давлат раҳбарларининг
очик, ўзаро ишонч ва дўсто-
на муносабатлари нафақат
Ўзбекистон — Тожикистон
ҳамкорлигини мустаҳкамлаш,
балки бутун Марказий Осиё
минтақасида тинчлик ва
барқарор тараққиётни таъ-
минлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ,
ШХТ, МДХ каби халқаро ту-
зилмалар доирасида ҳам са-
мимий ҳамкорлик қилиб кел-
моқда. Минтақавий ва халқ-
аро аҳамиятга молик маса-

лаларда томонларнинг
қарашлари ўхшашдир. Турли
даражадаги делегациялар
алмашувлари, худудлар ўрта-
сидаги алоқалар фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари та-
шаббуси билан жорий йил
7 март куни Самарқанд шаҳ-
ридаги Алишер Навоий но-
мидаги маданият ва истироҳат
боғида ўзбек ва тожик халқ-
ларининг буюк мутафаккир-
лари — Алишер Навоий ва
Абдураҳмон Жомийга ҳайкал
ўрнатилган эди.

Ана шу эзгу ташаббусга
жавобан Душанбе шаҳрида
Алишер Навоий номидаги
маданият ва истироҳат боғи
барпо этилиб, унда икки буюк
сиймонинг хайкали қад
ростлагани халқларимиз
ўртасидаги дўстона алоқалар
мустаҳкамланиб бораётгани-
нинг яна бир ифодаси бўлди.

Президентимизнинг таш-
рифи доирасида мазкур янги
боғ ҳамда Абдураҳмон

Жомий ва Алишер Навоийга
ўрнатилган хайкалнинг очи-
лиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва
Эмомали Раҳмон ушбу икки
буюк мутафаккир хайкали
пойига гуллар қўйди.

Алишер Навоий номидаги
маданият ва истироҳат боғи-
нинг умумий майдони 2 гек-
тардан зиёд. Боғда ташриф
буюрувчилар учун барча ша-
роит ва қулайлик яратилган.
Ўриндиқлар ёнида китобхон-
лиқни тарғиб этувчи хайкал-
чалар ўрнатилган. Ота ва
ўғил, Она ва қиз, Бобо ва на-
бира сиймолари акс этган
ушбу санъат асарлари ҳар
қандай инсонни китобга
ошно бўлишга ундайди.

Президент Шавкат Мирзиёев
Президент Эмомали Раҳмон
хамроҳлигида Турсунзода
шаҳрига ташриф буюрди.
Олий мартабали меҳмон ша-
рафига йўл бўйлаб кўчалар
байрамона безатилган, Ўзбе-

кистон ва Тожикистон байроқ-
лари, паннолар ўрнатилган.

Шаҳарга кирaverишда
минглаб одамлар давлатимиз
раҳбарини катта хурсандчи-
лик, тантана билан кутиб
олди. Миллий куй-қўшиқлар,
рақслар ижро этилди.

Ўзбекистон Президенти-
нинг қўшни давлатлар билан
очиқлик, ҳамкорлик ва бағри-
кенглик сиёсати барча тожи-
кистонликлар қатори Турсун-
зода аҳолисига ҳам катта
қувонч бағишлаган. Шавкат
Мирзиёевнинг жорий йил
март ойда Тожикистонга
давлат ташрифи чоғида им-
золанган Давлат чегараси
бўйича шартнома ҳамда
Фуқароларнинг ўзаро қатно-
ви тўғрисида битим халқла-
римиз ҳаётида улкан аҳами-
ятга эга бўлди. Чегарадан
ўтказиш пунктлари фаолияти
қайта тиклангани, борди-кел-
ди учун 30 кунгача визасиз
тартиб жорий этилгани, ав-
тобус ва самолёт қатнови
йўлга қўйилгани одамларга
кенг қулайликлар яратмоқда.

Президентлар Турсунзода
шаҳридаги “Талко” давлат
унитар корхонасига ташриф
буюрди.

Ушбу завод дунёдаги энг
йирик алюминий ишлаб чи-
қарувчи корхоналардан бири-
дир. 2007 йили завод “Тожи-
кистон алюминий компания-
си” (Талко) давлат унитар
корхонасига айлантирилган.
Бу ерда йилига 105 минг тон-
на бирламчи алюминий
ишлаб чиқарилади ва асосан,
экспортга йўналтирилади.
Бундан ташқари, 70 дан
ортиқ турдаги истеъмол то-
варлари тайёрланади. Айни
пайтда заводда 8 мингга яқин
кишилар меҳнат қилади.

Давлатимиз раҳбари алю-
миний хом ашёсини қўйиш
жараёни ва тайёр маҳсулот-
ларни қўздан кечирди.

Ўзбекистоннинг “Крантас
групп” масъулияти чекланган
жамияти билан Тожикистон
алюминий компанияси ҳам-
корлигида жорий йил июль
ойида ташкил этилган “Талко-
Крантас махсус техникалар
заводи” масъулияти чеклан-
ган жамияти шаклидаги Ўзбе-
кистон — Тожикистон қўшма

корхонаси тақдироти бўлиб
ўтди.

Мазкур корхонада авто-
кранлар, трактор прицепла-
ри, яримтиркамалар ва
бошқа махсус техника воси-
талари ишлаб чиқарилади.
Бутловчи қисмлар Ўзбекистон-
дан келтирилиб, Тожикистон-
да йиғилади.

300 минг кишилик
Турсунзода шаҳри аҳолиси-
нинг қарийб ярми ўзбеклар-
дир. Шаҳар атрофидаги
деҳқон хўжаликлари, асосан,
узумчилик билан шуғуллана-
ди. Узумзорлар Фаргонанинг
Бешарик ёки Тошкент вило-
ятининг Паркент туманидаги
тоқзорларни эслатади.

Турсунзода туманидаги
“Боғи сомон” деҳқон хўжали-
ги раҳбари Камол ҳожи
Мадумаров асли олтиариқлик
уста деҳқон фарзанди. У ота
касбини давом эттириб, элда
обру топган. Хўжалик тоқзори
500 гектар. 1 минг 100 ишчи
меҳнат қилаётган хўжаликда
узумнинг “Хўсайни”, “Риза-
мат”, “Каттақўрғон”, “Келин
бармоқ” каби 7 хил нави
етилтирилади. Махсулотнинг
70 — 80 фоизи экспорт қили-
нади. Хўжаликнинг 1 минг
200 тонналик советкичли
омборхонасида айни пайтда
хосилни жамлаш ишлари
авжида.

Президентлар мазкур со-
виткичли омборхона билан
танишиб, хўжалик тоқзорлари-
да бўлди. Шавкат Мирзиёев
Камол ота Мадумаровга мам-
лакатимизда ишлаб чиқариш
корхонаси “Captiva” автомашина-
сини соғва қилди. Давлатимиз
раҳбари шу тумандаги
“Ватан” деҳқон хўжалигида
бўлиб, унинг раҳбари Неъмат
хожи Усмоновга ҳам “Captiva”
машинасини туғфа этди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Тожикистон
Республикасига ташрифи да-
вом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев 28 сен-
тябрь куни Душанбе шаҳри-
да бўлиб ўтадиган Мустақил
Давлатлар Ҳамдўстлиги
Давлат раҳбарлари кенгаши
мажлисида иштирок этади.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
«ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари
тўғрисида”ги Қонунининг самарали ижросини, давлат
буюртмачилари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш,
шунингдек, давлат харидларининг амалга оширилишини
тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари
тўғрисида”ги Қонунининг амал қилиши:
Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан
тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ давлат харидлари
стратегик субъектлари амалга оширадиган давлат
харидларига, ривожлантириш давлат дастурларини,
Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари,
қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга
чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидлари бундан
мустанос;

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган
шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон
Республикасида муҳофаза қобилиятини, хавфсизлиқни
таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга
ошириладиган давлат харидларига, шунингдек, давлат
сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон
Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур
бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат
харидларига;

агар донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, ҳукуматга
қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл
ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон
Республикасининг кафолати остида чет эл кредитларини
ва чет эл грантларини тақдим этиш шартларида товарларни
(ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби
белгиланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида, шунингдек,
Ўзбекистон Республикасининг референдумларига
тайёргарлик қўриш ҳамда уларни ўтказиш учун амалга
оширилаётган давлат харидларига;

сул муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил)
тайинлиниши билан боғлиқ давлат харидларига;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат
Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти
Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 2018 йил
30 сентябрь — 1 октябрь кунлари давлат ташрифи
билан ушбу мамлакатда бўлади.

Президент Рам Натх Ковинд, Бош вазир Нарендра Модри
ва Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари билан учрашув ва му-
зокараларда давлатлараро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш-
нинг аниқ йўлларини қўриб чиқиш, минтақавий ва халқаро
ишбилармонлик муҳим масалалари юзасидан фикр алмашиш
режалаштирилган.

Президентимиз Нью-Дели шаҳрида савдо-иқтисодий ва
инвестиция соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни
ривожлантиришнинг амалий жиҳатларини, жумладан,
Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашини таъ-
сис этиш таклифини муҳокама қилиш учун Ҳиндистоннинг
етақчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси ташриф доирасида
Ҳиндистоннинг қадимий пойтахти, жаҳонга машҳур меъморо-
рий обида — муҳташам Тож Маҳал жойлашган Агра шаҳри-
га ташриф буюради.

Ташриф якунида Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон
Бош вазирининг қўшма баёғоти қабул қилиниши, Ўзбеки-
стон — Ҳиндистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги
босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ва
кенгайтиришга қаратилган салмоқли ҳукуматлараро ва идо-
ралараро қелишувлар, мамлакатларимиз худудлари ва муас-
сасалари ўртасида ҳужжатлар имзолашни кузда тутилган.

ЎЗА.

Ўзбекистон бўйлаб янги ғоялар амалга оширилмоқда

Франциянинг нуфузли таҳлилий наشري — “Politique
internationale” (“Халқаро сиёсат”) журналининг
160-сонида таниқли сиёсатшунос ва журналист
Режи Жантнинг мақоласи чоп этилди. Р. Жант
шу йил баҳорда Ўзбекистонга келиб, Тошкент
шаҳрида Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро
конференцияда қатнашган эди.

Қуйида ушбу мақоланинг баёни этиборингизга
ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон — Марказий
Осиёдаги аҳоли энг зич
яшайдиган мамлакат —
2016 йил декабрь ойда
Шавкат Мирзиёев Президент
этиб сайланганидан сўнг
юрори ривожланиш суръат-
ларини намўён этмоқда, деб
ёзади муаллиф.

Шавкат Мирзиёев ҳаёт-
нинг барча ҳаёси —
иқтисодиёт, ижтимоий тар-
моқлар ва ҳатто дин соҳа-
сини ҳам изоҳ қилишни
бошлади. Ана шу мислсиз
ислохотларнинг маъно-маз-
муни ҳамда мақсадлари
2017 — 2021 йилларда
Ўзбекистон Республикасини
ривожлантириш бўйича
Ҳаракатлар стратегиясида ўз
ифодасини топди. Ушбу ҳуж-
жатда қуйидаги бешта усту-
вор йўналиш бўйича вазир-
лар билан белгиланган берилган:
— давлат ва жамият қури-
лишини такомиллаштириш;
— қонун устуворлигини
таъминлаш ва суд-ҳуқуқ ти-

зимини янада изоҳ қилиш;
— иқтисодиётни ривожлан-
тириш ва либераллаштириш;
— ижтимоий соҳани ри-
вожлантириш;
— хавфсизлик, миллат-
лараро тотувлик ва диний
барқикенгликни таъминлаш,
чучур ўйланган, ўзаро ман-
фаатли ва амалий руҳдаги
ташки сиёсат юритиш.

Бир сўз билан айтганда,
янги Президент Ўзбекистон
жамияти ҳаётига “тоза ҳаво”
олиб кирди.

Шавкат Мирзиёев бошла-
ган ислохотларнинг бош
ғояси иқтисодий ўзгариш-
лардир, деб ҳисоблайди
Р. Жант. Давлат раҳбари-
нинг энг муҳим қарори, бу
— миллий валюта конверта-
цияси, маҳаллий корхона-
ларга импорт қилинадиган
маҳсулотлар бўйича тўлов
учун хорижий валютани со-
тиб олишга рухсат берилган
бўлди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2018 йил 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик
ва идоралар, мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати
Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб
борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқ-
ланганидан кейин сенаторлар қўриб чи-
қиладиган масалаларни муҳокама
қилишга киришди.

Парламент аъзолари ишни янги тах-
рирдаги “Давлат божхона хизмати
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика-
си қонуни муҳокамасидан бошладилар.
Ушбу қонун божхона органлари фа-
олиятининг ҳуқуқий асосларини тако-
миллаштиришга, фуқаролар ва ташки

иқтисодий фаолият иштирокчилари
ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли
ҳимоя қилишнинг қўшма ҳуқуқий ме-
ханизмларини яратишга қаратилгани
таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).



Ёшлар тарбияси

Унда маҳалланинг ўрни ҳар қачонгидан муҳим.



Мақсад Ўзбекистоннинг
оилани мустаҳкамлаш ҳамда
ёшлар тарбияси борасида-
ги тажрибаси билан хориж-
ликларни яқиндан таништи-
риш, соҳанинг долзарб му-
аммолари юзасидан ўзаро
фикр алмашиш, уларнинг
олдини олиш ва бартараф

этишининг самарали йўлла-
рини топиш, бу борада
халқаро ҳамда чет эл таш-
килотлари, илмий-тадқиқот
муассасалари билан ҳам-
корлиқни мустаҳкамлашдан
иборатдир. Ушбу йўналиш-
да юртимизда салмоқли иш-
лар амалга ошириб кели-
наётир. Оилаларимизда

камолга етаётган ёшлари-
миз давлатимиз бойлиги,
эртанги кунимизнинг хал
қилувчи кучи экан, уларни
асраб-авайлаш, турли
таҳдидлардан ҳимоя қилиш
бугун ҳар қачонгидан ҳам
муҳим ҳисобланади.

➡ 4

Оила жамият ва давлат ҳимоясида

Бой илмий-маданий меросимиз, қадимий урф-
одат ҳамда анъаналаримиздан аёниқ, ҳар қандай
замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас
қадрият саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-
маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий
муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик
ҳисобланмиш оила қанчалик мустаҳкам бўлса,
жамият ҳам шунчалик барқарор тараққий этишини
аждодларимиз жуда яхши англашган.

Шу боис ота-боболари-
миз оилага жуда катта эъти-
бор билан қарашган. Буюк
алломаларимиз Маҳмуд
Қошғари, Аҳмад Юнакий,
Кайковусдан тортиб Бегуний,
Ибн Сино, Форобий,
Алишер Навоий, Мирзо
Улуғбек ва бошқаларгача ўз
асарларида оилавий маса-

лалар, хусусан, оила аъзо-
лари ўртасидаги ўзаро му-
носабатлар, бола тарбияси-
да ота-она, бобо-бувининг
ўрни, қомил ва ватанпарвар
шахсни етиштиришда бу му-
ҳим ижтимоий институтнинг
ролига алоҳида ёндашиб,
ибратли ҳикоятлар, ривоят-
лар, фарзандларга мактуб-

лар, ҳикматли сўзлар, шеър-
ий сатрлар орқали панд-
насихатлар, ҳаётий хулоса-
лар ёзиб қолдирганлар.
Маҳмудхўжа Бегбудиий,
Абдурауф Фитрат, Абдулла
Авлоний, Абдулла Қодирий,
Чўлпон, Мунавварқори
Абдурашидхонов каби маъ-
рифатпарварларимиз ҳам
одоб-ахлоқи гўзал, жисмон-
ан ва маънан етув авлодни
тарбиялашининг ягона йўли
— барқарор оила қуриш экан-
лини, оилани мустаҳкамла-
масдан давлат ва жамият
тараққиётига эришиб бўлмас-
лигини таъкидлашган.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди:

а) харид комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан:

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун;

б) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун;

Дунё нигоҳида

«Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Марказий Осиёдаги сиёсий ландшафтни мутлақо ўзгартирди»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи арафасида ушбу мамлакат оммавий ахборот воситалари юртимиз тарихи, маданияти ва замонавий тараққиётига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, нуфузли **“The Hindu”** газетасида шарҳловчи Сусанин Хайдарнинг шу мавзудаги мақоласи



чоп этилди. Муаллифнинг ёзишича, икки мамлакат кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган. Буюк ўзбек олимлари Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек Ҳиндистонда ҳам нихотда машҳур. Мирзо Ғолиб, Амир Хусрав каби Ҳиндистонда туғилиб, иқход қилган мутафаккирларнинг келиб чиқиши туркий бўлган. Уларнинг аجدдолари ўзбек заминида дунёга келган ва истикомат қилган.

С. Хайдарнинг таъкидлашича, сўнгги вақтда Ўзбекистон халқаро даражадаги турли тадбирларга мезбонлик қилаётди. Улар орасида яқинда Шаҳрисабзда ўтказилган I Халқаро мақом санъати анжумани алоҳида ажратиб кўрсатилади. “Ўзбекистон ўз тарихий макomini тиклаб, яна сайёҳлар севадиган, маданият намояндалари ва гўзаллик шайдолари ардоқланадиган заминга айланмоқда”.

“**The Times of India**” газетасида эса бугун Нью-Дели ва Тошкент ўртасида



ўрнатилган алоқалар ҳақида қуйидаги фикрлар келтирилган:

“Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида алмашинувлар ҳеч қачон бугунгичалик фаол бўлмаган эди. Яқинда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Нью-Делида бўлди, ўзбек ҳукуматидаги иктимой-иқтисодий соҳага масъул вазиларни бир неча маротаба Ҳиндистонга ташриф буюрди. Мамлакатда ўтказилаётган деярли ҳар бир анжуман ҳамда кўрғазмада ўзбекистонлик тadbиркорларни кўришингиз мумкин. Савдо ва саноат вазири Суреш Прабхунинг Тошкентга ташрифи чоғида ўзаро савдо-сотик ҳажминин ошириш борасида муайян келишувларга эришилгани ҳам эътиборга молиқдир. Буларнинг ҳаммаси бир йил ичида содир бўлди”.

“**The Week**” **ҳафталик таҳлилий журнали**да эълон қилинган фикр-мулоҳазаларда таъкидланишича, Нью-

Дели Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг муҳим давлати, деб ҳисоблайди. Республиканинг янгиланган ташқи сиёсати Марказий Осиёдаги сиёсий ландшафтни мутлақо ўзгартириб, янгича муҳит яратди.

“Изоляция ўрнига фаол ҳамкорлик, можаро ўрнига оқилона муорасалар, муаммоларни инкор қилиш ўрнига ўзаро манфаатли ечимларни излаш ва топиш. Ушбу таямоллар бугун расмий Тошкент ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади”, деб ёзади шарҳловчи Мандира Наяр. Бундай янгиланишлар туфайли Ўзбе-

кистон минтақадаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

“**The Economic Times**” газетасида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва олиб борилаётган янгиланишлар ҳақидаги мақола эълон қилинди.

“Хозирги ҳукумат томонидан ҳаётга татбиқ этилган қатор ислохотлар ҳамда сармоявий муҳитнинг яхшиланиши натижада Ўзбекистон хорижиқларни охнарабодек ўзига жалб қилмоқда, — дейилади материалда. — Мамлакатда қатор кенг миқёсли лойиҳалар ишга туширилган. Улар, хусусан, ий-

рик саноат ва инфратузилма объектларини қуриш, республика ҳудудларини кенг қамровли ҳаво, темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғи билан боғлашни назарда тутди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг замон талабидан келиб чиққан ҳолда изчил риwoжини ташминлашга қаратилган”.

Нью-Делида joyлашган **Мудофаа тadbқиқотлари ва сиёсий таҳлил институти** Ўзбекистон ва Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг янги имкониятларига бағишланган таҳлилий маърузани омма эътиборига ҳавола этди.

Ҳужжат муаллифи, таникли эксперт ва академик **Пунчок С тобдан (Phunchok Stobdan)** давлатлараро савдо-иқтисодий алоқалар ҳолатини ижобий баҳолайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Нью-Делига ташрифи эса ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ривожланишига муҳим туртки беради ва янги-ча руҳ бағишлайди.

Таҳлилчининг фикрига кўра, Осиёнинг кўпплаб нуқталарида кузатилаётган бекарорлик ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги ўзгарувчанлик шароитида сиёсий барқарорлик ҳукм сураётган ва изчил ривожланаётган Ўзбекистон низоҳатида муҳим савдо ҳамда сармоявий шерик сифатида ўзини намoён этаётди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти ички бизнес муҳитини тақомиллаштиришга қаратилган кенг миқёсли ислохотларни амалга оширмоқда. Республика Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнини бошлаб, нуфузли халқаро молия институтлари билан алоқаларни тиклади. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоялар oқими эса сезиларли даражада фаоллашди.

Албатта, Ҳиндистон матбуоти Ўзбекистон мавзусини қанчалик катта эътибор билан ёритаётганини тўлағичча ифодалаш учун бир мақола камлик қилади. Фақат шуни айтиб ўтиш мумкинки, юртимиз ҳақидаги мақола ҳамда репортажлар яқин кунларнинг ўзида “India Education Diary”, “Defence Aviation Post”, “MarketWatch”, “The Sun Daily”, “India Today”, “The Indian Express”, “United News of India”, “Deccan Herald”, “NDTV” ва бошқа кўпплаб нашрларда дунё юзини кўрди.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Натихалар кўзга яққол ташланмоқда — Ўзбекистон кунги кеча Канаданинг “SkyPower” компанияси билан 1,3 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция шартномасини имзолади. Франциянинг “Peugeot Citroën Automotive” компанияси Ўзбекистонда энгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга олиб кириладиган товарлар учун божхона солиқларини сезиларли равишда пасаитиргани мамлакат тadbиркорлари томонидан чинакам инкилоб сифатида қабул қилинди, деб қайд этади журналист. Бу ишлар бутун иқтисодиётни қамраб олган кенг кўламли ислохотлар, жумладан, иқтисодий ўсишга ҳамда халқаро молия ташкилотлари тавсиялари асосида бозор иқтисодиёти йўлидан боришга уруғ берган ҳолда, макроиқтисодий барқарорлиқни кучайтириш, солиқ ставкаларини пасаитириш ва соддалаштириш, қишлоқ ҳўжалигида, биринчи навбатда, пахтани мамлакатнинг ўзида қайта ишлашни кўзда тутадиган диверсификация жараёнларини амалга ошириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш билан биргаликда олиб боришмоқда. Бундай ўзгаришларнинг жалб этган ҳолда амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазиятни тўбдан ўзгартирди. У мигрантлар чет элда қонуний асосда ишлаб, ўз мамлакатининг ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун Россияда Ўзбекистоннинг тўққизта ваколатхонасини очмоқда.

Президент ўрта ва кичик корхоналарга катта ишонч билан қарамокда. Унинг фикрига кўра, хусусий сектор иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишидир.

Ўзбекистон етакчиси “Халқ бoй бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган тамойилни илгари сурди, деб ўз фикрини давом эттиради мақола муаллифи. Президент ушбу тамойилни ҳаётга қатъий жорий этишига одамлар тўлиқ

ишонмоқда. Мамлакатдаги вазият тўбдан ўзгарди. Одамлар эркинлик муҳитини тобора кўпроқ ҳис этмоқда.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаоллашмоқда. Журналистлар мамлакатдаги ҳақиқий аҳолини ёрита бошлади. Бугунги кунда улар ҳатто замон билан ҳамқадам бўлиб, давлат раҳбарининг ислохотлар соҳасидаги барча амалий ҳаракатини ёритиб боришга улгурмасдан қолмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев халқни ўз муаммолари ҳақида очик гапирши қачирмоқда. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди, унга аҳоли давлат аппарати ишдаги камчиликлар бўйича ўз шикоятлари билан музоаат қилиши мумкин. Ушбу мунозаатларга давлат органлари тўрт кун ичида тўлиқ жавоб бериши шарт.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг дин соҳасидаги сиёсати янада кўпроқ эътиборга сазовордир. Самарқанда Имом Бухорий номидagi халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Давлат мўътабид, бағрикенг ва маърифий ислом тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ташқи сиёсат соҳасида минтақа давлатлари билан янги қўшничилик алоқаларини тиклаш ни устувор йўналиш, деб эълон қилди.

Париж битими мамлакатимизга нима беради?



Депутат минбари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий йил 25 сентябрда ўтказилган навбатдаги мажлисида қатор муҳим қонун ҳужжатлари кўриб чиқилди. Улардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида парламент қўйи палатасига киритилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси “Иқлим битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасидир.

Мажлисда қайд этилганидек, бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири, деб тан олмақда. Дарҳақиқат, XX асрга келиб, дунё мамлакатларининг кескин индустриал ривожланиши, табиат қонуниятларига бўйсунмасдан, унинг ресурсларидагн оқилона фойдаланмаслиқ натижаида атмосферага бехисоб микдорда иссиқхона газлари чиқарилиши иқлим ўзгаришига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, жаҳоннинг турли нуқталарида йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳароратнинг кескин ўзгаришига, баъзи ерларда ҳалокатли ёғин-гарчиликлар, тошқин, бўруну тўфон каби фаталарга, аксинча бошқа жойларда қуроқчилик, чўлланши, ер деградацияси, ўрмон ёғинларини ва бошқа экологик муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Бутунжаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунгача глобал йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги даражадан 1°Cга ортган. Ўзбекистонда худди шу давр учун ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6°C кўтарилган.

Яъни иши жаддligи глобал миқёсда кузатилаётган ўртача суруятдан юқори. Сабаби Ўзбекистон иқлим ўзгариши таъсирига кўпроқ мойил бўлган мамлакатлар қаторига қиради. Экспертларнинг ҳулосасига қараганда, иқлим ўзгариши эко-тизимлар ҳолатига салбий таъсир кўрсаташи, Қорақалпоғис-тон Республикаси, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари каби ҳудудларда экологик ва-зиятнинг кескинлашувиға, йил мобайнида жазирма давр да-вомийлигининг ортиши ва қу-чайиши натижасида аҳоли ўрта-сида касалликларнинг кўпайи-

шиға, шунингдек, бошқа табиат ҳодисалари — селлар, тошқин-ларнинг тез-тез такрорланиши-га олиб келиши мумкин. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ортб бораётган глобал таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида 2015 йил 12 декабр-да Парижда Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти (БМТ)нинг иқлим ўзгаришлари бўйича до-иравий конвенцияси (ИУДК)га бағишланган конференциянинг 21-сессиясида Париж битими қабул қилинди ва 2016 йил 4 ноябрда қучга кирди.

Ҳозирги вақтда Париж бити-мини имзолаган 195 мамлакат-нинг 180 таси мазкур ҳужжат иштирокчиси ҳисобланади.

Битимни ратификация қилмаган мамлакатлар қузатувчи мақоми-га эга бўлиб, улар учун халқа-ро ташкилотлар томонидан иқлимга доир дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш-да чекловлар қўлланади.

Ушбу битимнинг мақсади сайёрамизда глобал иссиқни индустриал ривожланиш дaви-радаги ўртача ҳароратга нисба-тан Цельсий шкаласи бўйича 2°Cга сақлаб туриш ҳамда ҳа-ро-ратнинг 1,5°Cга ўсишини чеклашга эришишдан иборат.

2050 йилга бориб иссиқхона газларининг глобал ажратмала-рини 40 — 70 фоиз камайти-риш, 2100 йилгача эса 0 ёки манфий кўрсаткичга етказиш талаб этилади. Мамлакат 2030 йилга бориб эришиши ло-зим бўлган иссиқхона газлари ажратмаларидаги миллий миқёсда белгиланадиган ҳисса-сини камайтириш тўғрисида ИУДК қотибятигига маълумот тайёрлаши Париж битимини имзолашнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Битимда ривожланган мам-

“Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда киритсин;

бир ой муддатда харид комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш ва энг яхши таклифларни танлаш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 2 ва 3-бандларига мувофиқ харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархлари шаклланиши устидан назоратни таъминласин.

8. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М. М. Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шoҳри,
2018 йил 27 сентябрь

Ўзбекистон бўйлаб янги фоялар амалга оширилмоқда



Масалан, унинг Қирғи-зистонга амалга ошир-ган расмий ташрифи тарихий воқеа сифати-да тан олинди. Икки томонлама ҳамкорлик-ни мустаҳкамлаш бoра-сида эришилган нати-жалар қутилганидан ҳам зиёда бўлди.

Шавкат Мирзиёев Қир-ғизистонда йирик гид-роэлектр станциялари қуриш бўйича лойиҳа-ларни биргаликда амалга ошириш ҳақидаги таклифлар билан ҳаммани хайрат-да қолдирди.

Айни шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Президентининг шу йил март ойида Тожикистонга амалга оширган ташри-фи янада кўпроқ тарихий аҳамиятга эга бўлди. Томонлар икки давлат чегарала-рида янги ўтказиш пунктларини очиш ҳақида келишиб олишид ва иқтисодиёт соҳасида бир қатор битимларга имзо чекишди.

Шунингдек, Қозоғистон ҳамда Туркманистонга амалга оширилган таш-рифлар ҳам очик мулоқот ва икки то-монлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этишга интилиш руҳида ўтди.

Ўзбекистон Президенти минтақавий даражада ҳам ташаббусни ўз қўлига ол-моқда. Унинг янгича сиёсатидаги ёрқин воқеалардан бири 2018 йил 27 марта Тошкент шаҳрида юқори даражадаги

лакатларнинг тараққий этаётган давлатларга иқлим ўзгариши-нинг олдини олиш ва унга мос-лашиш борасидаги саяё-ҳара-катларини кўллаб-қувватлаш мажбурияти юклатилган. 2020 йил-да ривожланаётган мамлакат-ларнинг эҳтиёжлари ҳамда ус-туворликларини эътиборга олиб, молиявий кўмакни 100 милли-ард АҚШ долларига етказишга қарор қилинган.

Ҳозирги вақтда махсус жа-марма умумий қиймати 1,5 мил-лиард АҚШ доллариллик 35 та лойиҳани молиялаштирмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ҳамда Тожикистон учун Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги “Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўза-ришига мослашиш ва унинг ол-дини олиш дастури” лойиҳаси-ни молиялаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда (20 мил-лион АҚШ долларига тенг грант).

Маълумки, Ўзбекистон 2017 йил 19 апрелда БМТнинг Нью-Йорк-даги Бош қароргоҳида Париж битимини имзолаган, бироқ ҳозирги вақтга қадар ушбу битимни ратификация қилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-латаси томонидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши Ўзбекистон учун қатор имкониятларни тақдим этади. Хусусан, энергия сама-радорлиги ва энергия тежаш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда иқлимий молиялаштириш ресурслари (ассосан, грантлар)ни жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривож-лантириш, ер-сув ресурслари-

Қобил НОСИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошлангичи 1-бетда).

Конунга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоялаш, боҳона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг, шу жумладан, контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бунга чек қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат боҳона хизматининг асосий вазифалари этиб белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонунда боҳона органларининг ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш, хавфли бошқариш тизими қўлланилиши самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш, боҳона ишини ривожлантириш ва тақомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, ташқи савдо операцияларининг мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт шартномаларининг ижросини таҳлил қилиш, шунингдек, ташқи савдо операцияларининг боҳона органларига тааллуқли қисмини ўтказишда валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, товарларнинг ташқи савдосига доир боҳона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш каби янги вазифалари белгилаб берилмоқда.

Боҳона органлари фаолиятининг қонунийлик, ягоналик, очкилик ва шаффофлик, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатлари ҳурмат қилишдан иборат асосий принциплари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Таъкидланганидек, ушбу қонунда ҳодимларнинг қўшимча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутилмоқда ҳамда хизматни ўташнинг қуйидаги батафсил тартиби ва шартлари белгиллаб берилмоқда: хизматга қабул қилиш, махсус унвонлар бериш, бу унвонларни пайсатириш ва улардан маҳрум қилиш, ҳодимларни тайинлаш ва озод этиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маълумотини ошириш, ҳодимларни сафарга юбориш, аттестациядан ўтказиш, уларга таътиллار бериш, хизмат муддатини ўзгайтириш, хизматдан бўшатилиш ва хизматга тиклаш, хизматни ўташ режимишни таъминлаш. Шунингдек, боҳона хизмати органлари ҳодимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига аниқлик киритилмоқда.

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, қонун боҳона органлари ҳодимлари мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳалли-ҳаракатлар қафолатларини мустаҳкамлашга, уларни моддий ва ижтимоий ҳимоя қилишни янада қўлайлаштиришга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, қонунда Ўзбекистон фуқароларини ҳам мамлакатимиз қороналарига, ҳам хорижда ишга жойлаштириш имкониятларини ошириш ва кенгайтириш, давлат хизматлари ва хусусий бандлик сектори ҳамкорлиги механизмларини аниқ тартибга солиш, ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиш тартиби ва шартларини, шу жумладан, хусусий бандлик агентликларининг, қороналарининг ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиллаб бериш назарда тутилмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари мустоҳкамланмоқда. Қонун нормаларига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар аҳоли бандлигини таъминлашга, шу жумладан, хорижда фуқароларни иш билан таъминлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга ҳуқуқий бандлик агентликларини жалб қилиш, фуқароларни ишга жойлаштириш соҳасидаги давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, фуқароларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича ахборот кампаниялари, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар тайёрлаш ва ўтказишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Фуқаролар йиғини

раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар. Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнининг очик-ошкоралиги принципларига риоя этишга, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг давлат органларидан мустақиллигини таъминлашга, фуқаролар йиғинларининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институти фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколат муддати икки йрим йилдан уч йилгача узайтирилмоқда.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқароларнинг кенгрок иштирокини таъминлаш мақсадида қонунда мамлакатнинг ҳар бир ҳудуди аҳолиси сони ҳисобга олинган ҳолда ҳовиллар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг энг кам вакиллик нормаси белгиланмоқда. Дифференциялашган квотани таъминлаш мақсадида энг кам вакиллик нормасини фозилларда белгиллашни назарда тутуви қоида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бунга кўра, фуқароларнинг энг кам вакиллик нормаси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 12 фозидан кам бўлмаслиги керак. Қонунда фуқаролар вакилларига талаблар белгиланмоқда. Одатда, бу ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга шахслардир.

Қонунга мувофиқ, сайловни республика даражасида ташкил этиш ва ўтказиш билан Сенат Кенгаши томонидан ташкил этиладиган Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссияси шугулланади. Унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Фуқаролар хоҳиш-истагини бирор-бир тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида яширин овоз беришни ўтказиш белгиланмоқда.

Қонун нормаларига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ахборотни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг расмий веб-сайтлари га сайлов ўтказилишидан камида беш кун олдин жойлаштириш лозим. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам қўриб чиқдилар. Қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этишга доир фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратишга, сайлов жараёнининг очкилиги ва ошқоралигини таъминлашга, фуқаролар йиғини раисига (оқсоқолига) ўз билим ва бошқарув маҳоратларини намоён этишлари учун кўпроқ имкониятлар яратишга қаратилган.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуниндан “ва уларнинг маслаҳатчилари” деган сўзлар чиқариб ташланмоқда. Конституциядан фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари муддати ҳам чиқарилмоқда, бу “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунинда ўз аксини тогган.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, қонун қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёни очкилигини, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг давлат органларидан мустақиллигини таъминлайди, фуқаролар

йиғинларининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институти фаолияти самарадорлигини оширади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар. Қонунда 5 апрели Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қуни этиб белгилаш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар қайд этганидек, қонуннинг қабул қилиниши ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий-ватанпарварлик, ахлоқий-маънавий ишларни қўлайлаштиришга, хизмат бурчиға садоқат руҳини шакллантиришга, ҳарбий хизматчилар ва ҳодимларда танлаган касбига нисбатан гурур ҳиссини шакллантиришга, шахсий таркибининг жипслигини, хизмат фаолиятининг самарадорлигини оширишга, фуқаролар, шу жумладан, ёшларнинг фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга ҳамда ҳарбий



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

хизматнинг ўзига жалб этувчанлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари “Иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам қўриб чиқдилар.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонуннинг мақсади иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгартишларда айрим тўрдаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бериладиган лицензиянинг амал қилиш муддати чекланишини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхатидан фаолиятнинг қуйдаги тўртта тури чиқариб ташланмоқда: аэропортларда ҳаво орқали ташвиш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш; аудиовизуал асарлар тайёрлаш, такрорлаш ва экранда кўрсатиш; аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҒМ учун дастурларни реализация қилиш, ижарага бериш; тамаки ҳам ашёсини ферментациялаш. Бунда фаолиятнинг тўртта лицензияланадиган тури — телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш битта турга бирлаштирилмоқда.

Қонунда устас ҳамгармаслига давлат улуши бўлган қороналар учун айрим талаблар, жумладан, товар боҳона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаган бўлса, товарни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари ваколатли орган билан келишиш зарурлиги, товарни боҳона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги ҳақда мақолатли органнинг ҳулосаси кераклиги, товар боҳона ҳудудидан қайта ишлаган бўлса, товарни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари ваколатли орган билан келишиш зарурлиги тўғрисидаги талаблар бекор қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат боҳона хизмати органлари фаолиятини тўбдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, қонун билан боҳона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома хусусиятига эга ҳужжатнинг, шунингдек, боҳонада расмилаштирувчи мутахассисда малака аттестати бўлиши кераклиги тўғрисидаги талабнинг бекор қилинишини назарда тутуви ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, банкларга микроқарзлар бериш ҳуқуқини берувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бунда микроолиявий хизмат-



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

лар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз мўддорининг ярмидан қўйини ташкил этадиган суммада фозиллар ҳисоблаш, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарлиқнинг бошқа чораларини қўллаш таққиланмоқда.

Сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва умуман, иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик, Уй-жой ва Солиқ кодексларига ҳамда “Нотариат тўғрисида”ги ва “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тўбдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан киритилаётган ўзгартишларда адвокатлик фаолиятига тўқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилаш, юридик хизмат ҳодими сифатида, судья, терговчи, прокурор лавозимига камида 3 йил иш стажига эга айрим тоифадаги шахсларга адвокатлик тўғрисидаги стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳони ўтатиш шартлиги қўйилганлиги бериш назарда тутилмоқда.

Қонунда адвокатлик бюросини таъсис этган адвокатларга мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзига тегишли бўлган турархўйларда ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда адвокатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турархўйларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш мақсадида нотурархўйлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди. Адвокатга патент вакили ва медиатор сифатида, шартнома асосида давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг, давлат қорхо-

налари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ҳодими сифатида, шунингдек, ҳакамлик судларида ва халқаро судия арбитражларида (судлариди) судья сифатида фаолият олиб бориш ҳуқуқи берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги “Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда қўчмас мулкни ижарага бериш ва текин фойдаланиш шартномаларини нотариал тасдиқлашни бекор қилиш, нотариал тасдиқлашни лозим бўлган хатти-ҳаракатлар рўйхатини мақбуллаштириш, юридик шахс коллегиал органнинг илтимоси билан унинг коллегиал органлари томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини нотариал тасдиқлаш, нотариус лавозимига номзодларнинг стажировка ўташ муддатини 2 йилдан 1 йилга қисқартириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, нотариус лавозимига номзодлар учун судьялик лавозимига камида беш йил ишлаган ёҳуд нотариал фаолиятга раҳбарлик ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахсларга мажбурий стажировка ўташ талаблари бекор қилинмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Аҳолининг ижтимоий хижатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Қонунда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан жорий этилаётган тартибга кўра, пенсионер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия ҳамгармаси туман (шаҳар) бўлимининг ортика туманга пенсия суммасини ушлаб қўлиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қардорлик у аниқланган санадан бошлаб қўли билан уч йил учун суд орқали ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов иттиҳомини тўбдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, давлат ва хусусий уй-жой фондларида ичимлик суви таъминоти ва суви чиқариб юбориш (канализация) хизматлари 100 фозлик ҳақ тўлаш асосида кўрсатилди. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, бу жойларни ижарага олувчиларга сув таъминоти ва суви чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун олдидан 100 фозлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва суви чиқариб юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар қўрилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама этилди.

Қонун жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги жиний, жиний-процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштиришга қаратилгани қайд этилди.

Жумладан, қонунда йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик қўлайтирилмоқда.

Шунингдек, қонунда ҳаёти ёки соғлиги ҳавф остида бўлган шахсга шўқилинган ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятига тўқинлик қилганлик, ноконуний ара-

лашганлик ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъовуз қилувчи бошқа ҳўқуқбузарликлар учун жиний ва маъмурий жавобгарлик қўлайтирилмоқда.

Муҳокама чоғида қонун қабул қилиниши жамоат ҳавфсизлигини таъминлашнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга қўмаклашиши қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳўқуқбузарликлар учун жавобгарлик қўлайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Сенаторлар қайд этганидек, қонун амалдаги қонун ҳўжатлари нормаларини янада тақомиллаштиришга, мансабдор шахслар жавобгарлигини қўлайлаштиришга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича ҳўқуқий механизмларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва “Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қондаларини бузганлик, сув ҳўжаллиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантирганлик, улардан фойдаланиш қондаларини бузганлик, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимишни бузганлик, шунингдек, саноат чиқиндиларини, маийш чиқиндиларини ва бошқа чиқиндиларни тўғлаш, зарарсизлантириш, сақлаш, реализация қилиш чоғида табиати муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун чоралар қўлайтирилиши назарда тутадиган қўшимчалар киритилмоқда.

“Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳисобга олиш ва назорат қилиш, чиқиндиларни қўйиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрини юритиш, чиқиндиларни трансегаравий ташвиш каби фаолият турлари ҳисобига “чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш” тушунчаси маъзунни кенгайтирилмоқда. Шунингдек, саноат чиқиндиларини ва маийш чиқиндиларини махсус техник мосламаларсиз зарарсизлантириш таққиланмоқда.

Таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши профилактика чора-тадбирларини қўлайлаштиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳўқуқбузарликлар учун мансабдор шахслар ва фуқаролар жавобгарлигини оширишга, шунингдек, махсус ваколатли давлат органларининг тезкор ва самарали фаолиятини ташкил этишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада қўлайлаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, “Фуқароларнинг ҳўқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шўқоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Қонун одил судловни амалга ошириш ва судлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини қўлайлаштиришга қаратилган. Жумладан, судлов ҳайъатлари ва қўйи туровчи судлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини оширишда Олий суд раиси ўринбосарларининг — тегишли судлов ҳайъатлари раисларининг жавобгарлигини қўлайтириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига ўзгартишлар киритилмоқда.

Киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ, мазкур шахслар Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатлари ишига раҳбарлик қилиш билан бирга, тегишли судлов ҳайъатларининг суд мажлисларида раислик қилади, тегишли судлов ҳайъатларининг мажлисларида ишларни қўриб чиқиш учун таркибларни шакллантиради, қўйи туровчи судлар фаолиятини ташкил этишда қўмаклашади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартишларда суд ва қўйи судлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини оширишда вилоят суди ва унга тенглаштирилган суд раислари ва ўринбосарларининг масъулиятини қўлайлаштириш назарда тутилмоқда. Судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилишини таъминлаш, шунингдек, судьялар ўртасида ишларни тўри ва бир иш тақсимилаш мақсадида киритилаётган ўзгартиш суд ишларини автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимилашга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартиб-қондаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартишлар билан) ратификация қилиш тўғрисида”ги, “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни қўриб чиқдилар. Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Янги ҳуқуқий асослар халқимиз фаровонлигига хизм

Ёшлар тарбияси

Унда маҳалланинг ўрни ҳар қачонгидан муҳим.

➡ **1** Тадбирнинг дастлабки қунида иштирокчилар пойтахтимиздаги “Ҳазрати имом” мажмуаси, Бадийи гимнастика бўйича болалар ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби, 18-Болалар мусиқа ва санъат мактаби, Юнусобод туманидаги “Увайсид” ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги “Хувайдо” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, уларда яратилган шарт-шароит ва қулайликлар ҳамда мазкур тузилмаларнинг фаолияти билан яқиндан танишишди.

— Увайсий номидаги маҳалланинг оилаларни мустақамлаш бобидаги фаолияти билан атрафлича танишиш имконига эга бўлди, — дейди Тинчлик ва дипломатик тадқиқотлар институти президенти Муҳаммад Асиф Нур (Покстон). — Маҳалла раиси бу ҳақда гапириб берди. Айниқса,

мазкур тузилманинг оилавий низоларни бартараф этиш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти эътиборга лойиқ.

Бундан икки йил олдин ҳам юртингизда меҳмон бўлгандим. Ўтган вақт мобайнида салмоқли ўзгаришлар қилинибди. Буни маҳаллалар фаолияти мисолида кузатдим. Конференция давомида бу ҳақда янада кўпроқ билиб олишга ҳаракат қиламан.

— Маҳалла тўғрисида китобларда ўқиганмиз, фильмларда кўрганмиз, фақат бугун ушбу тузилма нима эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик, — дейди “Ижтимоий фикр” тадқиқот институти директори, социология фанлари номзоди Ботағоз



Рақишева (Қозғистон). — Билишимча, ҳудуднинг тинчлиги ҳамда тараққиёти маҳалла фаоллари, ҳусусан, йиғин раиси салоҳияти билан боғлиқ. Ушбу институтнинг яна қатор жиҳатлари бор эканки, уларни ўрганиш ҳар бир иштирокчи, шу жумладан, мен учун ҳам аини муддаодир. Бўлиб ўтадиган асосий тадбир давомида у ҳақда кўпроқ ўрганиш ниятим бор.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Динора ЧИРКОВА олган сурат.

Ташаббус

Ота-оналар интернет орқали фарзандларидан хабардор бўлиб туришади

Хива шаҳридаги Шихлар маҳалласида 100 ўринга мўлжалланган янги мактабгача таълим муассасаси очилди. Ун йилдан буюн ташландиқ аҳволга келиб қолган бу бинонинг қайта тикланишига 850 миллион сўм сарфланди. Мебеллар жамламаси, болалар учун махсус қараовотлар, тиббий ускуналар, мусиқий асбоблар, турли ўйинчоқлар — ҳаммаси бор.

— Неварамни олиб келдим, — дейди меҳнат фахрийси Манзура Матмуродова. — Шунча қулайлик яратса ҳам бўларкан-ку. Жуда хурсанд бўлдим.

Манзура опа ҳар бир гуруҳ хонасига ўрнатилган кузатув камералари ёрдамида ота-оналар уйлари-

да ўтириб, интернет орқали фарзандларининг машғулотларда қандай иштирок этаётгани, ўзини тутиши ва кун давомидаги жараёнларни кузатиши мумкинлигидан хайратли икки қарра ортганини айтди.

Одилбек ОДАМБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эътибор

Шинам уйлар кўпайди

Андижон шаҳрида ўтган йили 7 та кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.

— Жорий йилда мазкур кўрсаткич 14 та етиши кўзда тутилган, — дейди Андижон шаҳар ҳокими маслаҳатчиси Равшанбек Қобиллов. — Яна 588 та оила ўз тураржойига эга бўлади. Янги хонадонлар замонавий, шинам, барча қулайликка эга.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Оила — жамият ва давлат ҳимоясида

➡ **1** Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқлоли ва келажagini оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани юқоридаги аънавий қадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганда ҳам яққол намён бўлмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан миллий ҳамда маънавий қадриятларимиз асосида ушбу соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган, эътибордан четда қолиб келган муаммолар ечими юзасидан тегишли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдига энг муҳим ва долзарб вазифалар қўйилди. Мазкур Фармонга биноан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази оила институти соҳасида ягона давлат сиёсатини юртувчи тизим сифатида ташкил этилди. Марказининг асосий вазифаси давлат ва жамоат ташкилотлари, парламент, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини Ўзбекистон оилаларини мустақамлаш юзаси атрофида бирлаштириш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш, мамлакатда фақат соғлом оила — соғлом жамият устуни бўла олишини аҳоли онгига сингдириш, илмий-инновацион тадқиқотларни амалга ошириш орқали оила институтини мустақамлаш этиб белгилангани мамлакатимизда бу борада мутлақо янги босқичдаги саъй-ҳаракатлар бошланганидан далолат беради.

Ўз навбатида, умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни таҳлил қилиш асосида замонавий, намунали оила мезонларини белгилаш ҳамда “Оила жамият ва давлат ҳимоясида” конституциявий принциплари кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш масалаларига комплекс ёндашиш фаолиятимизда устувор аҳамият касб этмоқда.

Ҳусусан, оилани мустақамлаш ва ривожлантириш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, жамиятда энг ибратли оилавий аънаваларни сақлаб қолиш ҳамда тарғибот қилиш масалалари бўйича ҳудудларда қатор фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилаётир. Мисол учун, замонавий муваффақиятли оила мезонлари қандай бўлиши керак, деган мавзуда республикамизнинг турли вилоятларида 800 дан ортқ оилаларда ижтимоий сўровлар ўтказилиб, яқиний натижалар бўйича замонавий оиланинг модели ишлаб чиқилди. Тадқиқот ўтказилган оилалар вакилларининг фикрлари ва кўра, оиладаги соғлом ва барқарор, осийишта психологик муҳит; юксак маънавий-ахлоқий тарбия; етарли даражадаги иқтисодий ва маънавий шароитлар; оила аъзоларининг таълим йўналишида олий маълумотлилик даражаси; сиҳат-саломатликка алоҳида эътибор қаратиш замонавий намунали оиланинг асосий мезонлари қаторига қиради.

Шу ўринда ҳар қанча аччиқ бўлмасин, очиқ айтиш керак, тадқиқотларимизнинг кўрсатишча, кейинги пайтларда халқимизга хос бўлмаган айрим иллатлар — оилавий ажрашишлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушунлиқ, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби омилар нотинч, ноқобил, кемтик оилалар ва қатор ижтимоий-маънавий муаммоларни пайдо қилмоқда. Айниқса, ажрашишлар сонининг камаймаётгани кишида жиддий таввиш уйғотади. Республикамизнинг учта вилоятида олиб борган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, оилалар барбод бўлишига қуйдаги омилар асосий сабаб бўлмоқда:

Психологик омил — оиладаги оғир психологик муҳит, ўзаро тушунишнинг йўқлиги, оиладаги доимий низолар, ота-оналарнинг ёш эр-хотин ҳаётига аралаштириш, ёш эр-хотинларни бегоналаштириб қўйиш, бир-бирига бефарқлик;

Ижтимоий омил — ичкиликбозлик, фар-

зандсизлик, эр ёки хотиннинг саломатлиги яхши эмаслиги;

Маънавий-ахлоқий омил — эр-хотиндан бирининг узоқ вақт давомидаги никоҳдан ташқари алоқалари;

Иқтисодий омил — тураржой шароитларининг қоникарли эмаслиги, моддий етишмовчилик, ишсизлик, эрнинг оилани таъминламаслиги, меҳнат мигранти сифатида чет элга кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқаси узилгани, қарзлари узоқмаслик.

Эътироф этиш лозим, ҳозирги кунга қадар 11800 дан ортқ низоли оилаларнинг иши судга етиб бормасдан, ФХДЭ органи ва судга ажралиш учун ариза берган 3100 дан зиёд оилаларни эса ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда яраштиришга эришилди. Умуман, бузилиб кетиш арафасида турган 14645 та оила сақлаб қолинди.

Олиб борилган тадқиқотларимиз ҳулосаларига таяниб, ажрашишларнинг олдини олиш, оилаларни мустақамлашга қаратилган қатор тақлифлар ишлаб чиқдик. Бизнингча, энг аввало, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги Яраштириш комиссиялари ва “Ота-оналар университети” тузилмалари учун малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарур. Оила кураётган фуқароларни тегишли қонунчилик асосида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳусусан, никоҳ шартномасини тузиш тартиблари, шарт-шароитлари, оқибатлари юзасидан ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим. Бу борада кенг қамровли тарғибот

корликда комплекс ўрганиб чиқилди. Оилалар билан ишлаш бўйича тренинглар ташкил этиш орқали соҳа мутахассисларига мукамал билим ва кўникмалар берилди. Ўз навбатида, “Оила” марказининг мутахассислари давлат ҳамда нодавлат ташкилотларига оилага хизмат кўрсатишни таъминлаб берувчи мутахассис сифатида яқинлаштирилмоқда. Натижада мураккаб шароитда қолган, муаммоли оилалар давлат хизматидан баҳраманд бўляпти. Айни вақтга қадар Тўрақўрғон туманидаги оилалар ҳолати тулқил илмий-амалий таҳлил қилиниб, 84 тасини ночор ҳолатдан чиқариш бўйича ҳар бири учун алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва ушбу ҳужжатлар ҳаётга жорий этилаётир.

Марказимиз бўйича 10000 дан ортқ нотинч оилалар аниқланиб, барча ҳудудий бўлинмаларимизда маълумотлар базаси шакллантирилди ҳамда улар билан индивидуал иш олиб бориляпти. Шу билан бирга, 4343 та ўта ночор оиланинг асосий муаммоларини ҳал этиш бўйича туманлардаги секторлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалий ёрдам бериш чоралари ишлаб чиқилди. Оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатлар, бой маданий тарихий мерос ва аънавий оилавий қадриятларни сақлашда муаммолари бўлган 3819 та оила билан тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилди. 1,5 миллиондан ортқ намунали оилалар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди.

Албатта, оилалар билан ишлашда соҳа мутахассисларидан юқори билим ҳамда кўникма, ўзига хос тажриба талаб этилади. Шунинг эътиборига олиб, марказимизнинг вилоят бошқармалари қошида ташкил қилинган кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув-курсларида, биринчи навбатда, марказ ҳамда ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун ўқув-курслари ташкил этилиб, машғулотларни ўтаганларга махсус сертификатлар берилди. Ҳозирги кунда эса бутун республика бўйлаб маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассислари ўқувлари ишчил давом эттирилмоқда. Оила институти соҳасида давлат ва нодавлат, халқаро ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустақамламоқда. Айни пайтга қадар 20 дан ортқ ташкилотлар билан Меморандум имзоланиб, фаол ҳамкорлик ўрнатилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг 27 июнь кунин Президентимиз қарори билан Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақамлаш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқлангани ҳам юртимизда оилалар фаровонлиги учун давлат ҳамда жамият астойдил қайғураётганининг ҳаётий фодаси бўлди.

Ушбу Концепцияни амалга оширишдан қўзғалган асосий мақсад мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг ҳуқуқ ва манфатларини тўлиқ рўёбга чиқариш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, оилавий муносабатлар мувозанатини таъминлаш, оила фаровонлигини ошириш, муҳтасар айтганда, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлатимизнинг ишчил ва барқарор тараққиётига эришишдир. Ниятимиз, ҳар бир оила маънавий соғлом, бахтли ва хотиржам ҳаёт кечирсин. Оила бағрида улғаяётган фарзандлар қомил инсон сифатида вояга етиб, давлатимизнинг қучига қуч, қудратига қудрат қўшаверсин. Зеро, оила жамиятнинг асосий бўғини экан, унинг мустақам бўлиши, фаровонлиги давлатимиз ва жамиятимиз раванқига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Дилором ТОШМУХАММЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги
«Оила» илмий-амалий
тадқиқот маркази директори.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71 233-52-55;
Котибият 71 233-10-28; Ўзлон 71 232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлаёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган тақриб қилиб жавобгар.

Газета тахририят компьютер тармакда терминал ҳамда оператор А. Исмомов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.

Навбатчи — Б. Ғофуров.

Мусахҳих — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6